# «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»



## давлат ҳиссадорлик корпорацияси бошқаруви

*«Соғлом авлод йили»*
*Янги 2000 йил муносабати билан*
*барча ватандошларимизни муборакбод этади.*
*Уларга амалга ошираётган барча ишларида*
*улкан ютуқлар тилайди. Азизлар, янги аср, янги минг*
*йиллик остонаси — 2000 йил ҳам барчамиз учун*
*унутилмас воқеаларга, тенгсиз қувончларга мўл бўлсин!*
*Қаранг, юртимиз кундан-кун гўзаллашиб,*
*Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, одамларимиз*
*чеҳраси гулгунлашиб бормоқда.*
*Бу албатта мамлакатимизда иқтисодий ва*
*маърифий ислоҳотлар*
*ўз йўлига тушиб олганлигидан далолат.*
*Юртимизда илоё тўйлар, хурсандчилик кунлар кўп бўлсин.*
*Уларнинг барчаси энг мўътабар неъмат — нонсиз ўтмайди.*
*Биз Сизларга доимо мададкормиз.*

**«Ўздонмахсулот» хиссадорлик корпорацияси бошқаруви**

# «ЎЗМЕВАСАБЗОВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

## КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ

**Ўзбекистоннинг барча фуқароларини кириб келаётган**
**Янги йил билан қизғин қутлайди,**
**халқимизга тинчлик, омонлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайди.**

*Компания аҳли 2000 йил 9 январ Ўзбекистон Республикаси*
*Президентлигига бўладиган сайловда фаол иштирок этиб,*
*мамлакатимиз истиқболи ва иқболи учун эл севган муносиб*
*номзодга овоз берадилар Янги йилда жамоамиз бор*
*имкониятларни ишга солиб, эл дастурхонини*
*янада файзли қилишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.*



**«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг»**
**компанияси бошқаруви**

# ТАДБИРКОРБАНК

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КЕНГАШИ

**буюк Ўзбекистоннинг бунёдкор халқини**
**Янги йил билан самимий қутлайди.**

*Янги йил — соғлом авлод йили ватандошларимизга бахт ва қувончлар келтирсин, дастурхонимизга яна ҳам файзу барака бахш этсин.*




*Тадбиркорларга биз камарбаста бўлиб Республикамизда тадбиркорликни ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, она-юртимизнинг яна ҳам гуллаб-яшнашига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.*

# «ЎЗСУВҚУРИЛИШ» ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ ЖАМОАСИ





Ўзбекистон халқини, юртимизда яшаётган барча фуқароларни Янги 2000 йил билан чин дилдан муборакбод этади. Авваламбор юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм суришини тилаймиз.

Янги йил янги қувончлар билан бошланмоқда. 9 январ куни Ўзбекистон Президентлиги сайловида мамлакатимиз фуқаролари қатори халқ қалбидан жой олган муносиб номзодга овоз берадилар. Халқимизни Янги йил билан табриклар эканмиз, ҳар бир хонадонда осойишталик бўлишини истаймиз.

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!**

**«Ўзсувқурилиш» Давлат концерни жамоаси**



# «ЎЗБЕКМЕБЕЛЬ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ




Мамлакатимиз бутун аҳлини янги 2000 йил билан табриклайди. Қадрли дўстлар, Сизларга соғлиқ, бахт ва оилангизга осойишталик тилаймиз.

Конституциямиз байрами куни 2000 йилни йўлбошчимиз «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар. Бирлашмамиз барча корхоналари жамоалари Ватанимиз келажаги - соғлом авлодни вояга етказиш, улар учун замонавий шароитлар яратиб беришдек эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Янги йил ҳаммангиз учун фаровонлик ва омадлар йили бўлсин! Ҳаммага бахт келтирсин!

**«Ўзбекмебель» Давлат акциядорлик бирлашмаси**



# «ЎЗПАРРАНДАСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ



**Мамлакатимизнинг бутун аҳолисини 2000 йил – Соғлом авлод йили билан қутлайди. Ватанимизнинг истиқболи ва иқболи йўлида фидойи меҳнат қилаётган халқимизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайди. Етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликни ривожлантириш борасида астойдил меҳнат қилиб, эл дастурхонига файз киритаверамиз.**

**«Ўзпаррандасаноат» акциядорлик уюшмаси**



# СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## «ЎЗЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ, МАРКАЗ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРМАСИ

**Жаннатмакон Ўзбекистон диёрида яшаётган барча фуқароларни Янги — 2000 йил билан чин юракдан муборакбод этади.**



*Йилнинг дастлабки кунларида бўлиб ўтадиган Президент сайловида Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида курашиб келаётган халқ севган муносиб номзодга овоз берамиз.*

*Уюшмамиз жамоаси қўли қадоқ азамат деҳқонларимиз етиштирган пахта чигитидан сифатли ва тўйимли ўсимлик ёғи ишлаб чиқариб, эл дастурхонига армуғон этмоқда. Биз бундан буён ҳам барча корхоналаримизда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз*



*Янги йилни Президентимиз «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар. Шубҳасиз, 2000 йилда юртимизда меҳр-мурувват, муҳаббат ва вафо тантана қилади. Азизлар, «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси доимо сиз билан биргалигини билдириб, Янги йилда барчангизга бахт-иқбол истаб қолади*

## «ЎЗЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ, МАРКАЗ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

## "Ўздавдонинспекцияси" жамоаси





Мамлакатимиз Агросаноат мажмуи ходимларини Янги йил байрами билан чин дилдан самимий табриклайди. Юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик ва ишларида ҳамиша муваффақият ёр бўлишини тилайди. Янги йил ҳаммага бахт келтирсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.







**2000 йил 9 январда бўладиган мамлакатимиз Президентлигига сайловда фаол иштирок этиб, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун ҳормай-толмай курашадиган муносиб номзодга овоз беради.**



## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!



ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИДАГИ "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ" КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ "БЎСТОН" МАРКЕТ КОРХОНАСИ



Ўзбекистоннинг Истиқболи ва равнақи йўлида ҳормай меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимизга тан-сиҳатлик, фаровонлик тилаб қолади Янги асрда эл-юртимиз дастурхонига кут-барака киритаверамиз!

## "БЎСТОН"

маркет корхонаси жамоаси

